



Тенглик - бу
ҳаммининг бир
ерда баравар ўтира
олишида эмас,
мавқеидан қатъи
назар, ҳаммининг
ўз ҳаракати учун
бир хилда жавоб
беришида

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

➤ Президент фармониға кўра

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси очилади

Шу йилнинг 28 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан Бош прокуратура Академияси негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди. Тошкент давлат юридик университетининг ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН филиали тугатилиб, унинг штат бирикмалари, ўқув ва моддий-техника базаси Академияга ўтказилди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги академиясида “Тергов фаолияти” йўналиши бўйича бакалавриятга қабул тўхтатилади.

Академия Бош прокуратура ташкилий тузилмасига кирувчи, юридик шахс макомига эга, ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Академияда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб тергов фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида олий таълимнинг икки босқичли тизими – бакалаврият ва магистратура бўйича тўлақонли ўқув жараёни ташкил этилади.

Бакалаврият бўйича ўқитиш кундузги таълим шаклида амалга оширилади ҳамда ихтисослик ва юридик фанларни ўқитиш, шунингдек, чуқурлаштирилган стажировкани ташкил этиш орқали кадрларни мақсадли тайёрлашга йўналтирилади.

Тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурага қабул суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органларининг мазкур вазифаларни амалга оширувчи тузилмаларининг ҳамда прокуратура органларининг амалдаги ходимлари (ҳарбий хизматчилари) орасидан амалга

оширилади.

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича бакалаврият ҳамда магистратурасига ўқишга қабул қилиш махсус психологик танлов, ёзма имтиҳон ва тест синовлари орқали амалга оширилади.

Академияда таълим олиш муддати бакалаврият дастури бўйича – уч йилни, тергов фаолияти йўналишидаги магистратура дастури бўйича – бир йилни ташкил этади. Тергов фаолияти йўналишидаги ҳар йилги қабул квоталари бакалаврият дастури бўйича – 250 нафаргача талаба, магистратура дастури бўйича – 50 нафаргача олий юридик маълумотли ваколатли давлат органлари ходимларидан иборат бўлади.

Академияда ўқитиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ташкил этилади. Ўқишга қабул қилишда абитурентларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим муассасаларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Давлат грантлари асосида ўқишни тамомлаган бакалаврият битирувчиларига ваколатли давлат органларида камидан уч йил ишлаб бериш (хизматни ўташ) мажбурияти юкланади.

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурасига кундузги шаклда ўқишга қабул қилинган ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек, бошқа мутахассисликлар бўйича магистратуранинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимларини ўқитиш бепул асосда амалга оширилади ҳамда уларнинг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади.

Ўқиш якунлари бўйича юқори натижаларга эришган ваколатли давлат органлари ходимлари Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурасини тугатиши билан, қонда тарихида, илгари эгаллаб турган лавозимига нисбатан юқори лавозимга тайинланади.



МЕБЕЛСОЗЛИК: ҚОРАҒУППАДА КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Шу йилнинг 7 ноябрь кунини давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йўналишида маҳаллий саноатни ривожлантиришда мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Чунки айни пайтда мамлакатимиз ички бозорда мебель маҳсулотларининг улуши 5 триллион сўмдан ошяпти. Биргина давлат ташкилотларининг мебель маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1 триллион сўмни ташкил қилади. Республикада 15 мингта мебель ишлаб чиқарувчилар томонидан йил бошидан буён 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, лекин бор-йўғи 22 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.

Бугунги кунда вилоятимизда мебель ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 259 та корхона фаолият қўрсатмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида 164,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Мебель саноати соҳасида вилоятда йилнинг ўтган даврида 70,4 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилиб, 267 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳар Фарход қўرғонига жойлашган кичик саноат зо-

насида “Шохрух бетоно-эксперт” хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 175 минг долларлик лойиҳа амалга оширилди. Йилига 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 40 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бундан ташқари, хозирда Самарқанд ва Паст Дарғом туманларидаги саккиз маҳалла мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Масалан, Паст Дарғом туманининг Қорағуппа маҳалласидаги 695 хонадоннинг 65 тасида 169 нафар уста мебелсозлик билан шуғулланмоқда. Уларга муносиб шарт-шароит яратиш ҳамда фаолиятини кластер усулида ташкил этиш мақсадида маҳалла ҳудудидан 2,5 гектар ер майдонида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда умумий қиймати 20,4 миллиард сўмлик ўн та лойиҳа ишга туширилади ва 365 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозиргача 7 та лот сотилиб, лойиҳаларни амалга оширишга киришилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якуни билан вилоятда мебель ишлаб чиқариш ҳажми 207 миллиард сўмга етиши, 2023 йилда эса бу кўрсаткичи 305,7 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун маҳаллий саноатнинг мебелсозлик соҳасида қиймати 26,7 миллиард сўмлик 11 та янги инвестиция

лоийҳаси амалга оширилади.

Хусусан, Самарқанд туманидаги “Samarqand Groor” корхонаси негизда қиймати 24,8 миллиард сўмлик замонавий мебель ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади. Ушбу лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 9,5 миллиард сўм бўлиши кутилмоқда.

Соҳа ривожига хомашё масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Сабаби, айни пайтда сифатли мебель маҳсулотлари учун хомашёнинг асосий қисми хориждан келирилмоқда. Импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хорижий инвесторлар томонидан “Нyuаxі Vood industry” корхонаси негизда қиймати 46,5 миллиард сўмлик, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 30 миллиард сўм бўлган фанер ва акрил ишлаб чиқариш лойиҳаси тақлиф этилган. Ҳозирда бу борада музокара олиб борилмоқда.

Мебелсозлик соҳаси вилоятимизнинг ҳар қандай маҳалласи ёки микроҳудуди учун муҳим ва истиқболли бўлиб ҳисобланади. Маҳаллаларда мавжуд лойиҳалар билан танишиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳозирги кунда маҳаллий аҳолининг яшаш жойларида бандлигини таъминлаш, касб эгаси қилиш имкони шу соҳада яққоллигини қўрсатмоқда.

Нозир ИБРАГИМОВ,
вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси.

АМЕРИКАГА МЕКСИКА ОРҚАЛИ ЙЎЛ ЙЎҚ

➤ Доғ

ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...

Бобоқул ТОШЕВ,
юридик фанлар доктори:



Бугун жамиятни ҳаракатлантирадиган, уни бир мақсадда бирлаштирадиган, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялайдиган салмоқли, етук асарларга катта эҳтиёж бор. Қачонки, муаллифлар асарлари учун муносиб ҳақ олса, бузилган ҳуқуқи ўз вақтида тикланса, жамиятда катта ҳурмат ва обрўга эга бўлсагина, буюк асарлар яратилиши мумкин. Асарлар янги ғоя ва мафқурани яратлади.



Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш йўналишида тезкор тадбир ўтказилди.

Маълум бўлишича, 1994 йилда туғилган, Самарқанд шаҳрида яшовчи Х.С. маҳаллий фуқаронинг ишончига қилиб, уни Мексика орқали АҚШга юбориши эвазига 25 минг АҚШ доллари сўраган.

Фаол тадбир давомида Х.С. ҳужжатларни расмийлаштириш учун олдиндан 10 минг АҚШ долларини олаётганда ушланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳабар беришича, ушбу шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қорағуппа маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Жўрабек Рўзибоевнинг таъкидлашича, кичик саноат зонаси учун давлат томонидан зарур инфраструктура яратилмоқда. Шу мақсадда 5 километр йўл қурилиб, 2 километр сув ва 3 километр табиий газ тармоғи, 1,5 километр масофага янги электр тармоғи тортилмоқда. Ҳар бири 25 сотихлик лотларда тадбиркорлар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

– Мебель ишлаб чиқариш фаолиятини 2010 йилда бошлаганимиз, – дейди “Меҳр мебель” оилавий корхонаси раҳбари Наби Эшнаев. – Бугунги кунда 50 турдан ортиқ қаттиқ ва юмшоқ мебелларни юртимиз бозорларига ҳамда қўшни Тожикистон Республикасига етказиб берамиз. Айни пайтда Қозғистондан ҳам тақлифлар бўлмоқда. Фақат корхонамизнинг қуввати етмаяпти. Шу боис

маҳалламизда ташкил қилинган кичик саноат зонасида янги корхона қуриш бўйича лойиҳани бошладик. 950 дона мебель ишлаб чиқариш қувватига эга, қиймати 2 миллиард 500 миллион сўмлик лойиҳани амалга оширишни режалаштирдик. Бунда қўшимча 50 та янги иш ўрни яратилиб, ишчилар сони 100 нафардан ошади. Шунингдек, мебелсозлик учун зарур бўлган хомашё – ёғоч етиштириш ҳам режа-

мизда бор. Тегишли тартибда қўшимча ер олиб, павлония етиштиришни йўлга қўйишни режалаштирдик. Бу орқали маҳсулотларимиз таннархини пасайтириб, маҳсулот сифатини оширишни кўзлабдиқимиз. Шунда ички бозор эҳтиёжини қондириб, хорижга экспорт қилиш имкониятимиз ҳам ошади.

– 2017 йилда юмшоқ мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, тадбиркорлик фаолиятимизни бошлаган эдик, – дейди “Next forumuz” оилавий корхонаси раҳбари Илс Мўминов. – Айни пайтда юмшоқ мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келямиз. Оила аъзоларимиз билан бирга маҳалламиздаги 20 нафарга яқин ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланган. Кичик

саноат зонасида ўз лойиҳамиз билан иштирок этиш бўйича тақлифимизни бергандик. Мутасаддилар томонидан ташаббусимиз қўллаб-қувватланиб, ер ажратилди. Лойиҳамиз қиймати 1 миллиард 700 миллион сўмни ташкил қилади. Хориждан замонавий мебель ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келмоқчимиз ва насиб этса, 2023 йилнинг биринчи чорагида корхона ишга туширишимиз.

Мазкур кичик саноат зонаси Қорағуппадаги ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган кишиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

А.ИСРОИЛОВ
олган суратлар.

ОБУНА –
2023

“Зарафшон” ва
“Самарқандский вестник” газеталарига
2023 йил учун обуна бўлиш

БИЗ:

- Самарқанд ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликларни газеталаримиз ва интернетдаги саҳифаларимиз орқали биринчилардан бўлиб ёритамиз;
- маълумотларни биринчи манбадан олиб, сизга етказамиз;
- ҳолис таҳлил ва танқид қиламиз;
- энг муҳим, фойдали маълумотларни сизга илинамиз.

Газеталаримизга обунани тахририятнинг ўзидан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин!

Садоқатли муштарийларимизнинг талаб ва тақлифларини инобатга олиб, ўТГАН ЙИЛГИ НАРХДА қолдирдик!

“ЗАРАФШОН” газетаси (ҳафтада уч марта)нинг обуна нархи:
• 640 минг сўм (якка тартибда тахририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);
• 768 минг сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

ОБУНА ИНДЕКСИ
5502

ЭНГ КЎП ОБУНА УОШТИРГАН ТАШКИЛОТЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАРИМИЗ ҲАМ БОР!

ОБУНА ИНДЕКСИ
5504

“САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК” газетаси (ҳафтада икки марта)нинг обуна нархи:
• 468 минг сўм (якка тартибда тахририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);
• 561 минг 600 сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

▶ Конститuciónимиз қабул қилинган кун олдида

Адлия органлари норма ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш, нотариат, адвокатура ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш каби вазифаларни амалга оширади. Жорий йилнинг ўтган уч чорагида жисмоний ва юридик шахслардан 7151 та муурожаат бўлди ва уларнинг 6480 таси ҳал этилди. Шундан 3755 таси қаноатлантирилди.

ҚОНУНЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Таъминлашда йўлида камарбастамиз

ҚАЙТАРИЛГАН ВА БЕКОР ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР
Бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимида 368 та (2021 йилнинг 9 ойда 50 та) қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. 94 та қарор лойиҳаси белгиланган талабларга жавоб бермаганлиги сабабли қайтарилди.

“E-qator” электрон тизими асосида вилоят ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан 18789 та қарор, фармойиш ҳамда Кенгаш қарорлари қабул қилинган. Жараён доимий ва тизимли равишда мониторинг қилиб борилиб, 459 та ноқонуний ҳужжатлар (250 та ҳоким қарори, 189 та ҳоким фармойиши, 20 та Кенгаш қарори) ни бекор қилиш ёки қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдимнома, огоҳнома ва даъво аризалари киритилди.

ҲУҚУҚНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ
Мазкур соҳада 327 та ўрганиш ва мониторинглар ўтказилиб, 244387 та қонунбузилиш ҳолатлари (пенсия ва нафақа йўналишида 125557 та, солиқ қонунчилигида оид 41740 та, таълим соҳасида оид 4693 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 3243 та ва бошқа) аниқланган.

Таъсир чораларимиз натижасида 472 нафар шахсга интимиқлик ҳазо қўлланилиб, 13 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган, 89 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Киритилган тақдимномалар самараси ўлароқ 11 миллиард сўмдан кўпроқ, судларга киритилган даъво аризалар натижасида 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар тўлаб берилиши таъминланди.

Мисол учун, вилоят давлат солиқ бошқармаси ва туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида ўтказилган ўрганишда солиқ органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келадиган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Натижада тақдимномамизга асосан, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан 2020-2021 йилларда нотўғри қўлланилган жами 963 миллион 978 минг 763 сўм солиқлар имтиёзли даврини қўллаган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинди. 2021 йил 1 сентябрдан 2021 йилнинг 31 декабрга қадар имтиёзи бўлган 10 та тадбиркорлик субъектига ҳисобланган 74 миллион 651 минг сўм солиқ тўловлари қайтарилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан имтиёз берилган 940 нафар фуқарога ҳисобланган 358 миллион сўм мол-мулк солиғи бекор қилинди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА
Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоа этилишини назорат қилиш

бўйича 1403 марта ўрганиш ва мониторинглар ўтказилиб, 84613 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шу асосда қўлланилган таъсир чоралари натижасида 938 нафар шахсга интимиқлик ҳазо чоралари кўрилиб (10 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган), 533 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган.

Тақдимномалар орқали 26 миллиард сўм, судларга киритилган даъво аризалар натижасида 11 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари тўлаб берилиши таъминланди.

Масалан, кадастр органлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича расмийлаштирилган қарорларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги мониторингида 1691 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Уларни бартараф этиш бўйича 24 та тақдимнома киритилиб, амалдаги қонунчиликка зид равишда чиқарилган 30 та қарор бекор қилинди, 171 та ҳужжат қонунга мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги йўриқнома талабларига риоа этилиши юзасидан ўтказилган мониторингда меҳнат жамоаларида ишловчи ходимларга 802 миллион 655 минг 320 сўм хизмат сафарлари харажатлари қоплаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу пул маблағларини ундириш юзасидан 68 та тақдимнома киритилди, Меҳнат кодексининг 49-моддасига асосан, ваколатли органга 36 та маъмурий тақлиф киритилди.

“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАЯПМИЗ
Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга ҳилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаглиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ваколат доирасида бўлмаган давлат органлари ва ташкилотларига муаммоларни ҳал этишни сўраб муурожаат қилиниши натижасида аҳолида давлат органларига нисбатан салбий фикр шаклланиб қолмоқда.

Шунга қўра, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг муаммоларини ўрганиш, уларнинг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида вилоятдаги 1126 та маҳалла 344 нафар адлия органлари ходимлари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга таъминланди.

Ўтган давр мобайнида 798 та муурожаат қабул қилинди. Бугунги кунга қадар уларнинг 485 таси ижобий ечим топди. Яъни, шу пайтаг қадар фуқароларни қийнаб келган шунча муурожаат адлия ташаббуси билан аниқланиб, ҳал этилди. Қолган 98 та муурожаат тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга йўналтирилган бўлиб, 215 таси ўрганиш жараёнида.

Салоҳиддин НУРИЕВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

ЧИНИҚҚАНГА ЧАНГ ЮҚМАС



Касаба уюмлари томонидан ҳар бир корхона ва ташкилотларда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилган спорт тадбирлари ташкил этиши жамоа шартномаларида белгиланган. Бугунги кунда аксарият корхоналарда спорт заллари ва жиҳозлари мавжуд.

Тармоқ касаба уюмлари томонидан ҳар ойда йигирмадан ортиқ спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Биргина октябрь ойида вилоятдаги маданият муассасаларида ишловчи хотин-қизлар ўртасида волейбол, эркаклар ўртасида мини-футбол мусобақалари ташкил этилди.

“Касаба уюмлари кубоғи”, “Раҳбар кубоғи” мусобақаларида юздан зиёд ходим иштирок этди.

Айниқса, “Саломатлик учун 5 минг кадам” марафони меҳнат жамоалари учун ибралти ташаббус бўлди. Бу тадбирларда йил бошидан буён 58 минг нафардан зиёд касаба уюмлари аъзолари қатнашишди.

Жумладан, давлат муассасалари ходимлари касаба уюмлари вилоят кенгаши Марказий банк вилоят филиали билан ҳамкорликда

спортнинг 8 тури бўйича, таълим ва фан ходимлари касаба уюмаси шаҳар ва туман кенгашлари бўлимида спортнинг тўрт турида, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюмлари, агронодат мажмуи ходимлари касаба уюмлари ўнга яқин спорт турлари бўйича турнирлар уюштирди.

Халқимиз “Чиниққанга чанг юқмас”, дейди. Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг кундулик турмушида жисмоний тарбия ва спортнинг мустақкам ўрин олиши аввало, саломатлиги учун муҳимлигини бугун кўпчилик яхши билади.

Бахтиёр ТУРОПОВ, Ўзбекистон касаба уюмлари федерацияси қозидаги жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш ишлари бошқармасининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси.

“ТЕНГЛИК ВАҚТИ”

тенгсизликни бартараф этади

Зокир УМУРЗОҚОВ, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори, Самарқанд давлат тиббиёт университети эпидемиология кафедраси мудири:

Марказимиз ходимлари инсон саломатлиги, миллат генофондидаги жиддий хавф солаётган одам имунитети танқислиги синдроми касаллигининг олдини олиш, ундан ҳимояланиш, ташхис, даволаш самардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бу борадаги тарғибот ишларини кучайтириш учун бор куч ҳамда имкониятларини ишга солмоқда. Яқинда марказда шифокор, аутрич ва психологдан иборат мобил кўп тармоқли бригада ташкил этилиб, айни пайтада ушбу бригада аъзолари беморларга паллиатив ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш имконини берапти.

Дилафрўз АЛЛАЗОВА, марказ поликлиника мудири:

Инфекцияланганларнинг тўқсон беш фоизи антивирус терапиясини олиши керак. Шунда муурожаат олган бу беморларда вирус юклама пасаяди. Кези келганда шуну айтиш жоизки, 2014 йилдан буён БМТнинг ОИВ ва ОИТСга қарши кураш бўйича “95-95-95” қўшма дастури асосида иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари, “Ишонч хоналар”, “Дўстона хоналар” базаларида, кўча лабораторияларида, шунингдек, жамоат ташкилотлари иштирокида тезкор ОИВ тестларидан фойдаланиш орқали аҳолини инфекцияга текширувлар билан қамраб олишни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Ҳар бир аниқланган ҳолат бўйича эпидемиологик,

лаборатория ва даволаш жиҳатлари ҳамда реал вақт режимида диагностикам, дори воситалари ҳаракатини инобатга олган ҳолда мониторинг ахборот тизими йўлга қўйилган.

Мавлуда ЧУЯНОВА, марказ лаборатория мажмуаси мудири:

Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази лаборатория мажмуасида шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларидан олиб келинаётган қон намуналари тарқибини сифатли таҳлил этиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Бу ерда ОИВ инфекциясига имунофермент усулида текширишдан ташқари таҳлилларнинг тўғрилигини тасдиқловчи имуноблот усули ҳам амалиётга жорий этилган. Яқинда мазкур мажмуа тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий ускуна ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.



Жумладан, вилоят ҳокимлиги томонидан полимер занжир реакцияси таҳлилларини ўтказадиган, Германия давлатида ишлаб чиқарилган 2 дон “ДНК-96” технология аппарати, ламинар шкафлар олиб берилди.

Дилрабо ПАРДАЕВА, марказ ходими:

Даволаш профилактика муассасасида 2020 йилда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази базасида Самарқанд давлат тиббиёт университети эпидемиология кафедраси ташкил этилди. Бу назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Мазкур касалликка қалинган беморлар барча инсонлар қатори бир хил. Уларнинг фақат дори-дармон билан яшаётганини ҳисобга олмаганда, бошқа ҳеч қандай фарқи жиҳати йўқ. Шунинг учун ОИТСга қалинган инсонлар ҳақида эшитганда ваҳимага тушмаслик, уларга бошқа одамлар қатори муомала қилиш нафақат беморнинг ўзига, балки жамият учун ҳам муҳим. Сабаби, тенгсиз муносабат беморларнинг ўз касалини яширишига ҳамда тегишли жойларда бу ҳақда айтишига тўқсинлик қилади. Улар барча қатори тенг инсон эканлигини унутмаслигимиз керак.

Б.МУСТАНОВ олган суратлар.

▶ Халқаро ногиронлар кунин олдида Шахсни ногирон деб топишда ўзгаришлар борми?

Кейинги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларга эътибор ва ғамхўрлик янада ортиди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралда “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкили тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳукуматнинг ушбу қарорига асосан, ногиронликни олиш тартиби ўзгаририлди. Яъни, эндиликда фуқароларни кўриқдан ўтказиш уларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига (ТИЭК) кўриққа юбориш орқали амалга оширилади.

Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги сабаб ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади. Шахсининг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида бошланади. Тиббий ижтимоий экспертиза натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда - фуқарога ногиронлик гуруҳи, унинг белгиланиши сабаби ва муддатлари, ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга эса қайта текширувдан ўттиш муддати билан “ногиронлиги бўлган бола” тоифаси белгиланади.

Бундай шахслар ногиронлик белгилангунга қадар тиббиёт муассасаси томонидан стационар шариқта даволанишга мажбур қилинмасдан тиббий ҳужжатлар расмийлаштирилади ва ногиронликни белгилаш учун 5 иш кунига ТИЭКга юборилади. Кўрик ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида расмийлаштирилади. Ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги даражасига қараб, 18 ёшдан катта кўриқдан ўтказилувчи асосий касаллиқнинг клиник ўттишини, унинг асоратларини ва клиник-эксперт прогнозини, шунингдек, фуқаронинг меҳнат фаолияти турини ҳисобга олган ҳолда ногиронлиқнинг биринчи, иккинчи ёки

БУ ФАКТ
Президентимизнинг 2022 йил 6 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, 2022-2023 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган майдонлар камида 16 159 гектарга етказилади.

Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш

битимлари тасдиқланаётганида аудио ва видеоёзувга олиниши керак

Барча замон ва маконда кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатлар долзарб аҳамиятга эга бўлган. Шу боис ҳуқуқий давлатларда бу масалада эътирозга ўрин қолдирмасликка, турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга эътибор қаратилади.

Хусусан, юртимизда ҳам бу масалада бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимни тасдиқлашнинг Мазмурий регламентида бундай битимларни (кўчмас мулкнинг олди-сотида, ҳада, айирбошлаш, умрбод таъминлаш шартли билан ўй-жинои бошқа шахсга бериш шартномалари ва бошқа шу каби) тасдиқлаш тартиби белгиланган.

Амалдаги тартибга қўра, нотариус томонидан битим нотариал идора биносида ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг талабига қўра, сайёр тартибда расмийлаштирилади. Агар битим нотариал идора биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида битим расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади ва битимни расмийлаштириш ҳамда имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеога қайд этилади.

Бундай битимни расмийлаштириш жараёни аудио ва видеога қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга ошириляётганилиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб, таърифларга тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш ҳамда бармоқ изларини “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимида сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видеога қайд этилиши лозим.

Аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи жисмларида сақланади. Календар йил якунида аудио ва видеоёзувга файллари нусхалари DVD дискларга ёзилади ҳамда нотариал идоранинг темир жавони ёки сейфларида алоҳида пакетларда сақланади.

Нотариал ҳаракатлари амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғма жилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

Умиджон ҲАБИЕВ, вилоят нотариал палатаси ташкилий-назорат бўлими масъуллари.

► Ёнимиздаги одамлар

Биз кўпинча аёл деганда ибоби, ҳаёли, фидойи каби сифатларни кўп қўлаймиз. Айниқса, фидойилиги оилада, жамиятда ҳам юз кўрсатса, унинг қадри бўлакча бўлади. Бу фазилатларга ростгўйлик ҳам қўшилса, унинг атрофдагилар учун ўрни ўзига хосдир. Гап Майсара опа ҳақида кетар экан, у кишини айнан ростгўйлиги учун алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар.



Ростгўйлиги билан ардоқланган аёл

Майсара Саъдуллаева 1960 йилда, Самарқанд туманида, зиёли оилада туғилган. Тиришқоқлиги, аниқ фанларни яхши билгани туфайли ҳужжатлари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига топширади. Мактабни олтин медал, институтни эса қизил диплом билан тугатган Майсара опа ишда ҳам барчага ўрнак.

Опанing асосий иш фаолияти касба уюмлари тизими билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюмлари вилоят бирлашган кўмитасининг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келмоқда. М.Саъдуллаева ўз иш фаолиятида ташкилотчилиги, қўйилган мақсадга эришишда каълятиллиги, ташаббускорлиги, ўз соҳасининг муаммоларини яхши билиши ҳамда уюшма аъзоларига ғамхўрлиги, самимийлиги билан касба уюшмаси фаоллари ўртасида муносиб обрў-эътибор қозongan.

Ушбу фазилатлари туфайли Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси республика кенгашининг тафтиш комиссиясининг аъзоси этиб сайланган. Ўзига ва унинг бошчилигида ишлаётган шаҳар кенгаши раислари ва ҳисобчиларига нисбатан талабчанлиги билан ажралиб туради.

Опа ҳеч бир ишни ҳўжакўрсин учун

бажармайди, "сидқидилдан бажарилган ишдан жамият наф кўриши баробарида, одам ўзини хотиржам ҳис қилади", дейди. Шунинг учун юқори касба уюшмаси органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор беради. Шунингдек, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда барча корхоналарда жамоа шартномалари тузилишига эришган. Нодавлат сектордаги янги ташкил этилган қўшма корхоналарда ходимларни ҳамда яққа тартибдаги ва оилавий тадбиркорларни, хунармандларни касба уюшмасига жалб этишда фаол иш олиб бормоқда. Майсара опа талабчан бека сифатида оиладаги муҳитни гўзаллаштирган каълятиллиги, ташаббускорлиги, ўз соҳасининг муаммоларини яхши билиши ҳамда уюшма аъзоларига ғамхўрлиги, самимийлиги билан касба уюшмаси фаоллари ўртасида муносиб обрў-эътибор қозongan.

Ушбу фазилатлари туфайли Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси республика кенгашининг тафтиш комиссиясининг аъзоси этиб сайланган. Ўзига ва унинг бошчилигида ишлаётган шаҳар кенгаши раислари ва ҳисобчиларига нисбатан талабчанлиги билан ажралиб туради.

Опа ҳеч бир ишни ҳўжакўрсин учун

Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантириш учун энг қулай мамлакат ҳисобланади. Унинг тарихан қулай географик ҳудудда, Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги бой тарихий-маданий меросининг шаклланишига туртки берган. Шу сабабдан Ўзбекистон туризмнинг деярли барча соҳаларини ривожлантириш мумкин бўлган мамлакат ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН — туризмнинг барча соҳаларини ривожлантириш мумкин бўлган мамлакат

Хўш, биз туризм бозорига махсулотларимизни етарлича тақдим қила оламизми? Ёки улардан тўғри фойдаланяпамизми?

Британиянинг "The Independent" интернет нашрининг берган маълумотига кўра, Ўзбекистон 2022 йилда таширф буюриш учун энг машхур 10 та жой рўйхатидан ўрин олган. Рўйхатга Норман ороллари, Қоҳира (Миср), Жануби-ғарбий Туркия, Валенсия (Испания), Ўзбекистон, Бел-фаст (Шимолий Ирландия), Бутан, Турин (Италия) ва Британия Колумбияси (Канада) киради. Шу ўринда статистик маълумотларга мурожаат қилсак, Ўзбекистонга туристик максатда таширф буюрган сайёҳлар сони 2019 йил 1380,21 минг, 2020 йил 1213,96 минг, 2021 йилда 238,86 минг ва 2022 йил январь-март ойлари 609,59 минг кишини ташкил этади.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, юртимизга сайёҳлар оқими ортиб бормоқда

ва бу ўз навбатида соҳани янада ривожлантириш ва келажagini таъминлаш, барқарор туризмни тўғри ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлашни тақозо этади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳам ушбу мақсад йўлидаги ҳаракат ҳисобланади. Университетда туризм менежменти факультети ва туризм менежменти, тарих ва маданий мерос, тиллар кафедраси фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир кафедра таълим дастурлари халқаро стандартларга мос келадиган, кучли университетлар ўқув дастурлари асосида тайёрланган. Бугунги кунда университетда менежмент, меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, логистика, туризм, музейшунослик, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти, археология, маданий мерос объектларини асраш каби йўналишларда бакалаврлар тайёрланади. Шунингдек, логистика,

туризм, музейшунослик, тарихий маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш, менежмент, ижодий саноат, археология каби ихтисосликлар бўйича магистрлар тахсил олади.

Университет бугунги кунга қадар дунёнинг 80 дан ортик халқаро ташкилот ва университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Шунингдек, бир қатор яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан таълим, академик алмашинув, малака ошириш соҳасида 50 дан ортик халқаро меморандумлар имзолаган. Маҳаллий туризм корхоналари, давлат муассасалари, маданий мерос объектлари, меҳмонхона ва рестороанлар билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Мастура СИДДИҚОВА, "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети тарих ва маданий мерос кафедраси мудири.

Телефон пули истеъмолчига қайтарилди

Паст Дарғом тумани Жума шаҳрида яшовчи Азамат Холбеков "Шаҳодат" истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилотига ариза билан мурожаат қилди.

Унда баён этилишича, фуқаро жорий йил 25 октябрь куни Самарқанд шаҳар Мирзо Улуғбек кўчасидаги "RAYIM-SHOP" МЧЖга қарашли савдо дўконидан "Redmi Note 10" русумли

телефон аппарати сотиб олган. Аммо ишлатиш жараёнида телефон носоз эканлиги маълум бўлади. Эртаси куни уни қайтариб олиб келиб, шу маркали бошқа телефонга алмаштириб беришни сўрайди. Сотувчи бундай телефон ҳозир йўқлигини, уч кундан сўнг бўлишини айтади, аммо истеъмолчи келишилган вақтда келса, ҳали олиб келмаганлигини айтиб, уни бир неча марта сарсон қилади.

"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида "Нуқсонли

товарни алмаштириб бериш тартиби"да истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кунгача алмаштириб бериш шартлиги кўрсатилган. Бу ҳолатда эса уч ой вақт ўтса ҳам телефон алмаштириб берилмади.

Фуқаро аризасига асосан ҳолат мутахассис томонидан ўрганилиб, "Redmi Note 10" русумли телефон учун олинган маблағ тўлиқ қайтариб берилди.

Уқун АМИРОВ, "Шаҳодат" истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилоти директори.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокчидан қорхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулк объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Table with 9 columns: T/p, Object name, Balance, Location, Area, Bidding area, Auction start price, Bid amount, Bid deadline. Contains 3 rows of auction data.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш: Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатда аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлиминдан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этиши тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-соти шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12 Факс: 66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Ургут туманидаги "URGUT ZAMIN" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 205023380) ўз устав фондини 67 694 643 (олтмиш етти миллион олти юз тўқсон тўрт минг олти юз қирқ уч) сўмдан 17 694 643 (ўн етти миллион олти юз тўқсон тўрт минг олти юз қирқ уч) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмайдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида мархум Раимов Баракага (1969 йил 12 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мурод Тўйчиевич нотариал идорасида мархум Манаенков Геннадий Михайловичга (2022 йил 26 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мурод Мурод Тўйчиевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида мархум Селянин Владимир Алексеевичга (2021 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу

муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасида мархум Нуриддинова Мавжудига (2022 йил 17 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида мархум Санаккулов Раббим Хамраевичга (2015 йил 7 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Зебунисо кўчаси, 4-"А" уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасида мархум Рустамов Абдумаликга (2013 йил 25 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида мархум Шокиров Раҳмат Шокировичга (2021 йил 3 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.



(Давоми. Бошланиши 19 ва 24 ноябрь сонларида.)

Шу кун пешингача меҳмонхонада дам олиб, чарчоғимизни чиқардик Тушлиқдан сўнг меҳмонхонамиздан то Каъбагача бўлган масофани пиеда чамалаб чиқдик. Йўл қарийб бир соатлик вақтимни олди. Кейин меҳмонхонадаги кичик маскида аср намози ўқилиб бўлингач, йўлбошчимиз Абдулборий бизни бир пиела чой устида учрашувга таклиф қилди. Тадбир шаҳар четига спорт мактабининг катта залида ўтказилди. Мен бир насага амин бўлдимки, Саудия Арабистонида жисмоний тарбия ва спортга эътибор катта экан. Макка шаҳрида ҳам стадионлар ва спорт заллари кўп. Учрашувимиз турли мавзуларда суҳбат ва савол-жавоблар билан ўтди. Махлус охирида мезбонлар бизни "Қуръон" китоби, жойнамоз, турли егуликлар ва ширин чой билан сийлаб, хурсанд қилишди. Шом намози биргаликда ўқилиб бўлингач, шу жойнинг ўзига дастурхонлар ёзилиб, арабча усулда пиширилган сергўшт палов тортилди. Бу ошнинг бизниқидан фарқи шундаки, сабзи солинамас экан.

Мен маккаликларнинг биз, ўзбекистонликларга кўрсатган бу эътибор ва илтифотни буюк ҳадишшунос олим Имом Бухорийнинг юртдошларига кўрсатилган эъоз-эътибор, деб тушундим. Умуман, зиёрат давомида бизнинг бухорийлардан эканлигимизга алоҳида диққат-эътиборни сезиб, қилиб турдик.

Учрашувга бориб келиш асносида бир нечта туннеллардан ўтишга тўғри келди. Бу ероти йўллари Меккага қўлини қўйган ҳақиқатдан деган бўлардим. Улар шаҳарнинг турли чеккаларига олиб чиқадиган йўллари бир-бири билан боғлаб туради-ган белбоғлар экан. Тоғли рельеф шароитида шаҳар кўчаларини туташтиришнинг ўзга чораси йўқ. Фақат бу ўринда, инженерларнинг илмий савияси ва курувчиларнинг улкан меҳнатига қойил қолмасдан илож йўқ. Саудия Арабистонида кейинги даврлардаги қурилиш индустриясининг жадал тараққиёти Маккадаги янги иншоотлар, йўллар, кўприклар мисолида янада ёрқинроқ кўринади.

ВЕЛОСИПЕД БИЛАН МАККАГА

Менга ўхшаган велосипед саёхатига ишқибоз одамлар дунёда яна бор экан. У киши мендан фарқли йўларок, Ҳажга велосипед билан бориш орзусини чиндан ҳам амалга оширган. Бу инсон билан Макка

шаҳридаги яшаб турган меҳмонхонамизда учрашиб қолдим.

Акмалхон ота Аҳмедов 71 ёшда бўлсалар ҳам тетиккина, ғайратли, чол дейишга тилим бормапти. Чунки у кишининг ғайрат-шижоатиға ҳар қандай йигит ҳавас қилса арзийди. Шу йил май ойи велосипед билан чўнтакка атиги икки юз доллар солиб, Қўқон шаҳридан йўлга чиққан эшон бобо Қорақалпоғистон орқали Қозоғистонга ўтиб, Ақтоббининг шаҳригача борибди. У ердан саховатпеша инсонлар отахонни велосипедлари билан қўшиб, Истанбулга учуриб юборибди. Отахон Истанбулдан Ван шаҳри орқали Эронга ўтмоқчи бўлибди. Аммо эронликлар у кишига чегарадан ўтишга рухсат бермабди. Тиниб-тинчимас саёхатчимиз яна орқага Истанбулга қайтишга мажбур бўлибдилар.

Бир неча минг километрик йўл зое кетибди. Истанбулда яшовчи бир қиз у кишининг холидан хабардор бўлиб, ота-бола тутинибди ва Акмалхон отага тўқсон кўнлик виза очтириб, қўлига пул бериб, Ҳажга жўнатибди. Минг-минг қақирим йўл босиб, қийналибсиз, энди самолётда учиб маза қилинг, дебди.

Биз Маккада бўлиб турган вақтимизда у киши гуруҳимизга қўшилиб олди. Берилган виза муддати 27 декабрда тугар экан. Ушунда Истанбулга қайтаман, тутинган қизимнинг уйдан велосипедини олиб, яна Қўқонга равона бўламан, дедилар эшон бобо. Хуллас, ҳаётда биз ибрат олишимиз мумкин бўлган одамлар беҳисоб экан. Тиниб-тинчимас бу инсон биз Маккадан кетишимиздан уч кун илгари яна Мадина сари отланиб қолдилар. Энди қачон Маккага қайтасиз, деб сўраганимда, менинг зиёратимнинг муддати йўқ, дея ҳазиллашдилар. У киши билан 7 октябрь кун кучоқлашиб хайрлашдик.

ЗИЁРАТ ВА САЁХАТ

5 октябрь эрталаб Маккаатуллоҳнинг зиёратгоҳ жойлари бўйлаб саёхатга чиқдик. Дастлаб Савр тоғи этагида гуруҳбонимиз Абдулборийдан бу ерда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақида тингладик. Сўнг Арофат тоғига бориб, Ҳазрати Одам билан Момо Ҳаво учрашган жойни зиёрат қилдик. Ундан кейин Мино водийсига тушиб, Ҳаж кўнларида зиёратчилар яшайдиган улкан чодирли шаҳарни томоша қилдик. Чодирли шаҳар адоғида қўрбонлик қўйлар сўйиладиган улкан қушхонани кўрсатишди. Охирида пайғамбаримизга илк илоҳий ваҳийлар тушган Нур тоғи этақларида бўлибди. Мухтарам

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР
1 ДЕКАБРЬ Холмаҳмат ИСМАТУЛЛА-ЕВ - 1951 йилда Самарқанд туманида туғилган.
2 ДЕКАБРЬ Суннатулла АҲМАДЖОНОВ - 1958 йилда Оқдарё туманида туғилган.
3 ДЕКАБРЬ Мухайё АҲМАДОВА - 1993 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.
5 ДЕКАБРЬ Шоқир ҒАФФОРОВ - 1958 йилда Хатирчи туманида туғилган.

Регистон мадрасаларида қошинли панжаралар
Панжара - меъморий бўлак, тўсиқ. Панжаралар биноларда ва уй-рўзғор буюмларида безак сифатида қўлланилади.
Регистон мадрасаларида қошинли панжаралар
Панжаранин энг кўп тарқалган шакли ёғоч панжарадир.

УЗОҚ УМР СИРИ
Саломатлик ва узоқ умр кўришнинг сирини икки сўз билан ифодалаш мумкин: "Организмингизни тозаланг!"
Рўза вужудни тозалаш ва уни ёшартиришнинг ягона усулидир, бу йўл инсониятнинг ҳаққоний йўлидир.

Худойберди КОМИЛОВ. (Давоми бор.)

"Юрагимга энг яқинларим!"
Эркатош опа 1952 йилда Каттакўрғон шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтини (ҳозирги СамДУ)нинг тил ва адабиёт факультетини тугатган.
Эркатош опа бугунги кунда қизғин ижод билан банд. Опани табаррук ёши билан қутлаб, мустақкам соғлиқ, жўшқин ижод тилаймиз.

Ватан
Юрагимга яқинларим, Кўеъ, ойим, чақинларим, Дўст-дугона, ёрқинларим, Онам дедим, Ватаним дедим.
Кириб келса бодом гулида, Қизғалдоқлар ўнгу сўлимда, Етакласа аста қўлимдан, Онам дедим, Ватаним дедим.

Йўлдош Суёнов вилоятимиздаги таниқли, салоҳиятли зиёлилардан бирдир. Шу боис у кишини таништириб ўтириш шарт эмас.
Йўлдош Суёнов вилоятимиздаги таниқли, салоҳиятли зиёлилардан бирдир.

Мен тинглайин унсиз сўзларинг
Нечун йиғлаясан, дилбарим, Нечун оху кўзларингда ёш?
Қўйгин, асло кўз ёши қилма, Унут барча ғаму ҳижронни.

Кўзинг эшик қараб толасан
Гар танангга дард ҳужум қилса, Омад сендан юзин ўгирса, Ё ақинлар юзини бурса, Бир яқин дўст топмай қоласан.

MATBUOT UYI
Zarafshon
AMARKANDSKIY VESTNIK

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi
Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: T.SIDDIQOV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.
ISSN-201667X
9 177 201 066 700 9